**Тасдиклайман**
Балиқчи тумани 38-Давлат ихтисослаштирилган мактаб-интернати рахбари
______________ **Р Абдурахмонов**

# Танлов иштирокчилари учун йўриқнома

Танлов "Балиқчи тумани 38-Давлат ихтисослаштирилган мактаб-интернати" да **2022-йил ва 2023 йиллар учун озиқ овқат захирасига сотиб олиш учун** "Буюртмачи" томонидан тузилган харид комиссияси орқали қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади танлов иштироқчилари учун йўриқнома.

Ушбу йурикнома 2021 йил 22 апрелдаги № 684-сонли Ўзбекистон Республикаси "Давлат харидлари тўғрисида"ги Қонунига асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2018 йил 26 майда № 3016-сон билан рўйхатдан ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Лойиха Бошкаруви Миллий Агентлигининг "Харид тартиб-тамойилларини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисидаги" тартиби асосида ишлаб чикилди.

## 1. ТАНЛОВ ПРЕД МЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1. Балиқчи тумани 38-Давлат ихтисослаштирилган мактаб-интернатида **2022-йил ва 2023 йиллар учун озиқ овқат захирасига** бўйича малакали мутахассисларга эга бўлган ташкилотлар жалб қилинади.

1.2.Танловнинг охирги киймати – 6800000 (Олти миллион саккиз юз минг) сўм. Ушбу кийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар кабул килинмайди ва куриб чикилмайди.

**Ушбу танлов якунлари буйича ғолиб чиққан ташкилот билан шартнома тузилади.**

1.4. Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 1ой.
1.5. Ишларни бошлаш муддати-буюртма берилган кундан бошлаб хисобланади.

## 2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. Балиқчи тумани 38-Давлат ихтисослаштирилган мактаб-интернатида (бундан кейин- "Буюртмачи" деб аталади) -танлов ташкилотчиси хисобланади.

"Буюртмачи" манзили: Почта манзили 170300, Ўзбекистон Республикаси, Андижон вилояти, Балиқчи тумани,

Танлов "Буюртмачи" томонидан танловлар утказиш буйича тузилган Харид комиссияси томонидан утказилади

1.1. Танловда мулкчилик шаклидан катъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар курсатишга ихтисослашган, камида 2 йил тажрибага эга булган барча юридик макомга эга булган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

1.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга куйидаги малакавий талаблар куйилади:

-танлов предмета кийматининг камида 20 фоизи микдоридаги айланма

маблагларининг ёки курсатиб утилган маблагларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур булган мехнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

-шартномалар тузиш юзасидан фукаролик-муомала хукукии лаекат ва ваколатлар;

-танлов объектига ухшаш объектлар билан ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;

-уз кучлари билан илгари бажарилган иш хажмлари, тугрисидаги маълумотлар;

-танлов объектида уз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мулжалланаётган хджми (50 фоиздан кам булмаган холда);

-Низом маблаги микдори.

1.3. Агар танлов предмети булган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боглик фаолият конунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур булса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофик тегишли лицензияга эга булган талабгорларга рухсат этилади.

1.4. Куйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

-кайта ташкил этилиш (ажратилиши, кушилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара килинганлар, хамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бопща шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хукукий ёки бир бирига молиявий карамлиги мавжудлар.

1.5. Танлов иштирокчилари - талабгор ташкилотлар танлов предметининг лойиха хужжатлари, хусусан, лойихани график кисми (чизмалари) билан танишиб чикиш ва танлов таклифини тузиш учун буюртмачига (танлов ташкилотчисига) такдим этилиши хдкида мурожаат килишга хаклидирлар.